ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (13.205)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июль куни Оқсаройда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти Чинг-Куо Вуни қабул қилди.

Чинг-Куо Ву AIBA Ижроия қўмитасининг Тошкентда ўтаётган мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрди. Мазкур спорт форуми Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси учун Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, AIBA ва унинг раҳбари Чинг-Куо Ву ўзининг муносиб хизмати билан дунёда кенг тарқалган боксни ва умуман, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилот Ижроия қўмитаси мажлисининг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу жаҳон спортида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Чинг-Куо Ву мамлакатимизнинг жаҳон спорт майдонида обрўси ортиб бораётганини юксак баҳолади. Ўзбекистонда жисмоний тарбияни оммалаштириш ва болалар спортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани халқаро жамоатчиликка яхши маълум. Давлатимиз раҳбарининг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказишга доимий ғамхўрлик кўрсатаётгани, бу борада мақсадли ишлар амалга оширилаётгани натижасида айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнамоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида профессионал спортчи, мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди. Бугун барча зарур техник ва услубий воситалар билан таъминланган саксондан зиёд спорт федерациялари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 51 мингдан ортиқ спорт иншоотлари бунёд этилган. Спорт турлари бўйича кўплаб марказ ва секциялар, энг яхши хорижий спорт ареналаридан қолишмайдиган спорт мажмуалари ва заллари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқлари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Тарихан қисқа фурсатда 6 олтин, 5 кумуш ва 10 бронза медали қўлга киритилди.

Ўзбекистон спортида бокс алоҳида ўрин эгаллайди. 2014-2015 йилларда мамлакатимизнинг барча ёш ва вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари турли даражадаги 269 медалга сазовор бўлди. Ўзбекистонда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар ва бокс турнирлари мунтазам ўтказилмоқда. 2015 йилнинг 7-14 июнь кунлари AIBA шафелигида пойтахтимизда ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 7 олтин ва 6 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда ҳаваскорлик боксини ривожлантириш, мамлакатимизнинг AIBA билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси раҳбари Президент Ислом Каримовга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонда спортни, жумладан, боксни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентига спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш йўлидаги улкан хизматлари учун, шунингдек, боксни халқаро ва миллий даражада ривожлантириш борасидаги фидокорона меҳнати эътирофи сифатида AIBAнинг юксак мукофоти – "Хизматлари учун" ордени топширилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2016 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва республика Ҳукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.


Мажлисда республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш асосий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш, саноат, мухандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг ишга туширилаётган энг муҳим объектларини фойдаланишга топшириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини изчил қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш, хорижий инвесторларни акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига жалб этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини, энг аввало, янгидан ташкил этилган тузилмаларда жорий этиш бўйича дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, пухта ўйланган ҳамда жаҳонда ривожланишнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган стратегиянинг миллий манфаатларга жавоб берадиган изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши туфайли, жаҳон иқтисодиётидаги чуқур тизимли муаммоларнинг мавжудлигига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш барқарор равишда сақланмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги умуман халқаро молия институтлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда, жумладан, бу жорий йилнинг 23-24 июнида Тошкент шаҳрида ўн бешинчи юбилей саммити муваффақиятли бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам қайд этиб ўтилди.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган қарорида қайд этилганидек, ушбу йилларда миллий иқтисодиёт қарийб 6 бараварга ўсди. Ўзбекистоннинг ғалла, ёқилғи-энергетика ва транспорт-коммуникация мустақиллигига эришилди. Саноатнинг иқтисодиётдаги улуши 34 фоизга, тайёр маҳсулотларнинг экспорт таркибидаги салмоғи 70 фоиздан зиёд ошди. Истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон боши ҳисобига 7 бараварга, реал даромадлар 12 баравардан ортиқ кўпайди. Давлат бюджетининг 60 фоизидан юқориси ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Юртимизда бир байрам борки, бу шодиёна халқимиз, миллатимиз учун нечоғлик қадрли, нечоғлик азиз эканини барчамиз яхши англаймиз. Бу мустақиллик айёмидир. Ҳа, чин маънода мустақилликни қадрли ва азиз дейиш мумкин. Чунки, бу кунни, бундай байрамлар нишонланишини миллатимиз асрлар давомида орзиқиб кутди ва унга интилиб яшади. Мана 25 йилдирки халқимиз орзу-умидлари ушалганини, эрки, озодлиги ўз қўлига ўтган кунни катта байрам сифатида нишонлаб келмоқда.







БЕКТЕМИР ТУМАНИ: ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ҳар йили энг улуғ, энг азиз шодиёна сифатида ушбу байрам юртимизнинг барча гўшаларида катта тантаналар билан ўтказилади. Президентимизнинг жорий йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қаратилган тадбирлар бошлаб юборилди.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида юртимизнинг барча гўшаларида байрамни муносиб кутиб олиш, уни кўтаринки руҳда нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳар бир байрамни катта тайёргарликлар билан кутиб олиш халқимизга хос хислатдир. Шу боис кўчалар, хиёбонлар, маҳалла гузарлари, таълим масканлари, корхона ва ташкилотлар ён атрофи, қўйинги, ҳаммаёқ оралаштириб, ободонлаштирилади. Янгидан қурилган иншоотлар байрам арафасида фойдаланишга топширилади. Бундай ишлар Бектемир туманида аллақачон бошлаб юборилган.

Истиқлол йилларида туманда янгидан янги иншоотлар, аҳоли турар ва дам олиш масканлари, спорт мажмуалари, завод ва фабрикалар қурилди. Туман иқтисодиёти ривожланиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди. Буни маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва экспортдаги муттасил ўсишлардан ҳам англаш қийин эмас. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида саноат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш, чакана савдо айланмаси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда бир мунча ўсишга эришилди.

Туманда амалга оширилган айтишга арзигулик ишлар талайгина, улардан бири "Бахт кўли"нинг бунёд этилишидир. Ёз кунларида аҳолининг дам олиб, хордиқ чиқариши учун ташкил этилган дам олиш маскани туман қиёфасига ўзгача чирой қўшди, десак муболаға бўлмайди.

Пойтахтимизнинг ушбу тумани маҳсулот ишлаб чиқариш борасида энг илғор туманлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда туманда 1100 дан ортиқ корхона-ташкилотлар бўлиб, улардан 200 га яқинини кичик корхоналар, 585 та хизмат кўрсатиш субъектлари, бешта йирик корхоналар ташкил этади. Ўтган беш ой мобайнида 59 та корхона ишга туширилди. Шунингдек, ўндан ортиқ корхоналарнинг ташкил этилиши лойиҳалаштирилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали ишлаши аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Туманда янги корхоналарнинг ташкил этилиши ҳамда кам қувватли ва ишламай қолганлари қайта тикланиши натижасида бўш иш ўринлари яратилмоқда. Аҳоли бандлигининг ошиши фаровон турмуш тарзини таъминлаётир.

(Бектемир туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси иштирокчилари Андижон, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва бошқа вилоятларда бўлиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан қўмита эшитуви ўтказилди. Видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепциясининг ижросига оид ахборотлар тингланди.

• Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида эркин ва очиқ дастурий таъминот масалалари бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея форуми бўлиб ўтди. Тадбирда икки мамлакатнинг алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, дастурий таъминот ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларга ихтисослашган компания ва концернлари, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, ишбилармонлар, олимлар, етакчи экспертлар ҳамда нуфузли таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг Гуйчжоу вилоятида жойлашган Кеду шаҳри атрофида дунёдаги энг йирик "FAST" радиотелескопи қурилди. Мутахассислар фикрича, бу дунёдаги энг кучли радиотелескоп бўлиб, унинг тоғ бағрида жойлашгани бегона радиотўлқинлардан холи қилиш имконини беради. Радиотелескопнинг диаметри 500 метр бўлиб, думалоқ шаклдаги ликопни ёдга солади. Радиотелескопнинг умумий ҳажми 32 футбол майдонига тенг. Хитойлик олимлар радиотелескоп воситасида Сомон йўлини ўрганишни мақсад қилган.

• Украина юрак институтида биринчи марта механик юрак кўчириб ўтказиш бўйича операция амалга оширилди. Харьковлик 41 ёшли Павел Дорошко оғир юрак хасталиги туфайли ушбу шифохонага мурожаат қилган эди. Жарроҳлик амалиётидан сўнг у механик юракка эга бўлди. Бундай юракнинг ишлаш муддати чекланмаган, ҳатто саккиз йилдан буён механик юрак билан яшаётганлар ҳақида ҳам маълумотлар қайд этилган.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ:

ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ









ЁШЛАРГА ТАЯНЧ ВА СУЯНЧ

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни кетаётган бир пайтда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда муносиб таълим-тарбия бериш, етук кадрлар қилиб вояга етказиш давлатимиз олдидаги устувор масалалардан бири сифатида қаралмоқда.

Бугун ёшларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муносиб таълим-тарбия олиб, баркамол шахс бўлиб етишишларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам ўрни катта бўлмоқда. Ушбу ташкилотнинг Бектемир туман Кенгашида ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Келажак авлодни ватанга муҳаббат руҳида ўсиши ҳамда таълим олишлари, ёзги таътилларини мазмунли ўтказишларида ташкилотнинг туман Кенгаши томонидан бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ва лойиҳалар ўтказиб келинмоқда.

“Биз буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остидаги ёшлар фестивали ва унинг доирасида ўтказилган лойиҳалар ана шундай тадбирлар сирасига киради. Фестиваль доирасида 5300 нафардан ортиқ ёшлар қамраб олиниб, истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқ ва натижаларни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқаро майдондаги тобора юксалиб бораётган нуфузини, туб ислоҳотларимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари олиб борилди.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови ташкил этилди. Ушбу танлов ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, ёш авлодда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлаш, ёшлар томонидан ўз фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишларида муҳим аҳамият касб этади.

Келажак авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш, замонавий касбларни эгаллашда кўмаклашиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ва имконияти чекланган ёшларга ғамхўрлик қилишга қаратилган “Менинг бизнес ғоям” танлови, “Ёш тадбиркор – юртга мададкор”, “Бунёдкор ёшлар меҳнат ҳаракати” лойиҳалари ҳамда “Тадбиркорлик ота касбим”, “Тадбиркорлик сирлари” каби давра суҳбатлари ўтказиб келинаётир.

Юртимизда Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, фан-таълим, спорт, санъат, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта ютуқларга эришаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига биноан пойтахтимизнинг бир қатор туманларида “Камолот” уйлари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Бектемир туманида ҳам худди шундай иккита кўп қаватли уй қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозирда уларда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилалар истиқомат қилишмоқда.

– Ҳеч бир мамлакат Ўзбекистончалик ёшлари ҳақида қайғурмаса керак, – дейди янги уй соҳиби Азиз Яхшиликов. – Бугун юртимизда ёшларни ўқиб, билим олиши, яхши тарбия топиши, иш билан банд бўлиши, ҳатто, уйли-жойли бўлишига эътибор қаратилган. Бу ёш оилаларнинг оёққа туриб олишида жуда катта кўмак бўлмоқда. Мана биз янги уйли бўлиб, уй-жой қилиш ташвишидан қутилдик. Энди бор эътиборимизни фарзандларимизни яхши тарбиялаш ва ватанимиз тараққиётига кўпроқ наф келтиришга қаратамиз.

Иқтисодиётимизнинг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 56,7 фоизи, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келаётгани бунинг ёрқин далилидир. Шу сабабли давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Кўплаб имкониятлар ва қулай муҳит сабаб ишлаб чиқаришнинг барча йўналишларида юқори кўрсаткичларга эришилди. Бозорларимиз озиқ-овқат ва нозиқ-овқат маҳсулотлар билан тўла. Импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош миллий маҳсулотларимиз борган сари кўпайиб бормоқда.

Худди шундай маҳсулотлар Бектемир туманидаги “Kamolot Istiqlol Ko`makchisi” масъулияти чекланган жамиятида ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу корхона 2015 йилда ташкил этилган бўлиб, жорий йилдан бошлаб миллий автомобилларимиз учун амортизаторлар ишлаб чиқармоқда.

– Бугунги кунда корхонамизда 12 хилдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда, – дейди корхона раҳбари Атҳам Сурманов. – Замонавий ускуналаримиз Кореядан келтирилган бўлиб, йилига бир миллиондан ортиқ амортизатор ишлаб чиқариш қувватига эга. Юртимизда ишбилармонлар учун кўплаб енгилликлар мавжуд. Жумладан, божхона, солиқ, коммунал ва бошқа мажбурий тўловларида имтиёзлар берилган. Биз ҳам улардан фойдаланган ҳолда ишимизни ривожлантиришга, маҳсулотлар турини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур корхона Ўрта Осиёда ягона бўлиб, замонавий, юқори технологиялар билан жиҳозлангандир. Бу ерда ишлаётган мутахассислар ўз ишининг усталари ҳисобланади. Уларнинг малакасини ошириш, янги технологиялар билан ишлашда қийинчиликка дуч келмаслиги учун чет элдан мутахассислар жалб этилган. Сифатга катта эътибор қаратилади. Ҳар бир маҳсулот 41 этапдан ўтади, шундан бештаси синов этаплари ҳисобланади. Ҳамма жараён компьютерлаштирилган, ҳар бир маҳсулот автоматик тарзда текширувдан ўтади.

“Kamolot Istiqlol Ko`makchisi” жамоаси ўз олдига юртимиз бозорини юқори сифатли амортизатор воситалари билан тўлақонли қондириш, четдан кириб келадиган бу турдаги эҳтиёт қисмлар билан рақобат қила оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мақсад қилган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР — СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ АСОСИ

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш доимий эътиборда. Чунки, фуқаролар саломатлигини доимий назорат қилиш, болаларни юқумли ва сурункали касалликлардан ҳимоя қилишда бу муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шифокор ва ҳамшираларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш ҳам асосий масалалар сирасига киради. Бу борада Бектемир тумани марказий кўп тармоқли поликлиникаси ҳамда 6-сонли шаҳар клиник шифохонаси томонидан кўпгина ишлар олиб борилаётир.

Туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси бугунги кунда 31 минг 500дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келади. Бу ерда клиник ва биохимик лаборатория, ультратовуш диагностика текшируви, рентген ва флюрография, эндоскопия текшируви, ЭКГ текшируви, массаж ва физиотерапия хоналари, муолажа ва эмлаш хоналари, туну кун хизмат кўрсатувчи травматология пункти ҳамда 20 ўринга мўлжалланган кундузги шифохона фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги Қарорининг ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 64 фоиз аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди, 36,2 фоиз аёлларда экстрогенитал касалликлар аниқланди. Улар диспансер назоратига олинган бўлиб, 82 фоизи соғломлаштирилди.

– Аҳолининг тиббий маданиятини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий текширувларнинг ўз вақтида ўтказилишига доимий эътибор қаратамиз, – дейди Бектемир туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Азиз Азизов. – Тумандаги маҳаллаларнинг ҳар бири умумий амалиёт шифокорлари билан таъминланган. Улар “Саломатлик-3” лойиҳаси бўйича болалар ва катталар учун зарур бўлган барча тиббий асбоб-ускуналар ва мосламалар билан таъминланган. Шунингдек, мазкур лойиҳа бўйича поликлиникага УЗИ, ЭКГ аппарати, 3 та музлатгич, лаборатория центрифугаси билан таъминланди.

Поликлиникада кадрлар салоҳиятини оширишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Умумий амалиёт шифокорларининг малакаси босқичма босқич ошириб борилади. Ишдан ажратилмаган ҳолда маҳалла шифокорларига семинар машғулотлари ўтказиб борилади. Бундан англаш мумкинки, замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлган малакали шифокорлар аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар спортига бўлган эътибор кучайтирилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида спорт иншоотлари барпо этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Турли мусобақалар ташкил этилиб, ёш спортчилар рағбатлантирила бошланди.

ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШМОҚДА

Бунинг натижаси ўлароқ спортчиларимиз халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларнинг қайд этиб келмоқда. Бундай натижаларнинг қайд этилишида ҳудудларда ташкил этилган болалар спорт мактабларининг ўрни катта. Ана шундай спорт масканларидан бири Бектемир туманидаги 1-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 декабрдаги “Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарорига кўра 24-25 болалар спорт мактаблари негизида 1-сонли Болалар-ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу спорт мактабида ўқув-машғулотларни олиб бориш учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдонлари, спорт зал, бокс подиуми мавжуд бўлиб, улар бўлажак чемпионларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ҳозир мазкур даргоҳда 13 та олимпия ва иккита миллий спорт тури, футбол, бокс, эркин кураш, дзюдо, бадиий гимнастика, теннис, стол тенниси, гандбол каби жами 15 та спорт тури бўйича 60 та гуруҳда 215 нафар қизлар ва 589 нафар йигитлар машғулотларни олиб бормоқда. Уларга 26 нафар малакали мураббий спортнинг сир-синоатларини ўргатиб келмоқда.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида ушбу мактабнинг 19 нафар ўқувчилари республика чемпионатларида совриндор бўлишди. Ўқувчи-ёшларни спортга кенгроқ жалб қилиш, спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сонини кўпайтириш, уларнинг жисмоний имкониятини янада ошириш мақсадида муассасада турли хил мусобақалар ташкил этилиб борилади.

Мазкур спорт мактаби тарбияланувчилари мамлакатимиз ва халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб, кўплаб юқори натижаларни қайд этиб келмоқда. Мисол учун, таэквон-до ВТФ спорт турида Дмитрий Шокин Жаҳон ва Осиё чемпиони, шунингдек, бошқа спорт турларида Раъно Мажидова, Дилҳавас Одилова, Ибодат Ҳусанова, Султон Мўминов сингари ёшлар мамлакат биринчилигида юқори ўринларни қайд этган.

Мактаб раҳбари Тоҳир Эгамқуловнинг айтишича, истеъдодли ва тиришқоқ ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Улардан бири Жамолиддин Нурматов экан. Жамолиддин бокс бўйича Тошкент шаҳар ғолиблигини қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олган. Ундан устозларининг умиди катта.

– Беш йилдан буён спортнинг бокс тури билан шуғулланаман, – дейди Жамолиддин. – Катта мусобақаларга энди қадам қўймоқдаман. Орзуим Ўзбекистон чемпиони бўлиб, халқаро мусобақаларда ҳам юқори натижалар қайд этиш. Бунинг учун мактабимизда барча шароит етарли. Ҳозирда мамлакат биринчилигига тайёргарлик кўрмоқдаман. Мураббийларим Пак Фелекс, Акмал Сайдуллаев, Баҳодир Абдуллаевлар техник ва жисмоний имкониятимни оширишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Мактабнинг бугунги ёш спортчилари ҳам акалари ва опаларига ўхшаб чемпион бўлишни дилига тугиб шуғулланишмоқда.

Саҳифа материалларини Абдуалим САЛИМОВ тайёрлади
Ислом Исмоилов олган суратлар

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида эркин ва очиқ дастурий таъминот масалалари бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, дастурий таъминот ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларга ихтисослашган компания ва концернлари, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, ишбилармонлар, олимлар, етакчи экспертлар ҳамда нуфузли таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори ахборот технологиялари соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президент Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнда Ўзбекистон Республикасига ва Президент Ислом Каримовнинг 2015 йил майда Корея Республикасига давлат ташрифлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига мазкур давлат ташрифи давомида кўплаб соҳалар қатори ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунда жаҳонда ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Мутахассислар 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошишини таъкидламоқда. Айни пайтда Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7 фоизни, Америка Қўшма Штатларида 6,8 фоизни ташкил этади.

Корея Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида дунёда етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури асосида изчил ишлар амалга оширилмоқда, барча жабҳаларга замонавий ахборот технологиялари кенг жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни давлат органлари фаолиятида АКТни татбиқ этиш ва электрон ҳукумат тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Соҳада қатор дастурлар ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўплаб хизматлар кўрсатилаётир. Бу жараёнда коммуникация тармоқлари техник ва технологик қайта жиҳозланиб, интерактив хизмат кўрсатиш сифати ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Корея Республикаси Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажакни режалаштириш вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жанубий кореялик мутахассислар юртимизда “электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашмоқда.

Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг ташкил этилиши бу борадаги ҳамкорлик кўлами ва истиқболининг ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур олий ўқув юртида талабалар дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида таълим олмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида “Электрон ҳукумат” ўқув маркази, Ўзбекистон – Жанубий Корея ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилнинг октябрида ахборотлаштириш соҳасида Ўзбекистон – Жанубий Корея кенгаши ўз фаолиятини бошлади.

– Ўзбекистонда юқори технологиялар соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани соҳани янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда, – деди Корея Республикаси Ахборот технологияларни саноатини рағбатлантириш миллий агентлиги президенти Юн Жонг Лок. – Мамлакатингизда эркин ва очиқ дастурий таъминотдан фойдаланишни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Мазкур форум соҳага оид вазирлик ва идоралар, компаниялар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда очиқ дастурий таъминотни изчил жорий этиш, технологик тенденцияларни янада ривожлантириш, янги бизнес ғояларини яратишга хизмат қилади.

Форумда меҳмонларга мамлакатимизда АКТ соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди. Жанубий кореялик мутахассислар Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва жамият ҳаётига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, IT-саноати стратегиясини янада такомиллаштириш, технологиялар ва инфратузилмаларни ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни юксак баҳолади.

Тадбирда дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, бу борада Жанубий Кореянинг илғор тажрибасини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани қайд этилди.

Форум иштирокчилари эркин ва очиқ дастурий таъминотни жорий этиш ва жаҳон тенденциялари, бизнес вакиллари билан олий ўқув юртлари ўртасида юқори малакали IT-мутахассисларини тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик, АКТни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, мазкур тармоқнинг иқтисодиётни ривожлантиришда тутган ўрни каби масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, тармоқда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодиётни ислоҳ қилишни, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсишини таъминлади. Саноат ҳажмлари 6,7 фоизга ўсди. Қурилиш ишлари ҳажми 17,5 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,9 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Молия-банк тизими барқарорлигини янада ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банклар жами капиталининг 23,3 фоизга ва депозитларнинг 27,7 фоизга ўсишини таъминлади, бу иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг 26,2 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Барча банк кредитларининг қарийб 80 фоизи инвестиция мақсадларига берилган узоқ муддатли кредитлардир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, диверсификациялаш ва оптималлаштириш дастурий чора-тадбирларини фаол амалга ошириш давом эттирилди. Мевасабзавот маҳсулотлари етиштиришга давлат буюртмаси жорий этилди. Ғўза майдонлари қисқартирилди, бўшаган майдонларга мева-сабзавот экинлари экилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга кўпайди.

Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли йил бошидан буён 462,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 276,7 мингтаси ёки 59,8 фоизи қишлоқ жойлардадир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 4,4 триллион сўмдан кўп ва 111 миллион доллар миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Муҳокамалар давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва ҳокимликлар раҳбарлари олдига 2016 йил учун белгиланган барча мақсадли параметрларга ва прогнозларга эришишни таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг қабул қилинган ўртача муддатли дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳисобига келгуси йилда иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси ва "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти раҳбарларининг эътибори, шу жумладан, ҳар йили ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида хорижий компанияларни – жаҳондаги етакчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни биргаликда фаолиятга жалб этишни таъминлаган ҳолда пахта толасини қайта ишлаш ҳамда тайёр тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўришнинг зарурлигига қаратилди.

Стратегик инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш ва жорий йилда ишга тушириладиган муҳим объектларни ҳамда саноат қувватларини, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмларини 11,8 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитларни 17,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. Жами қиймати 1,9 миллиард АҚШ доллари бўлган 43 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 3,4 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 72 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари 1,5 бараварга ошиши таъминланди.

Фарғона водийси вилоятларини республиканинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри темир йўл орқали боғлайдиган, 19,2 километр узунликдаги ноёб туннелга эга бўлган 123,1 километр узунликдаги электрлаштирилган Ангрен – Поп темир йўл линияси ишга туширилди. Самарқанд – Бухоро темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилмоқда. Узунлиги 1250 километрдан ортиқ бўлган кенг полосали оптик-толали алоқа линиялари барпо этилди. Аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 68 фоизга етказилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 мингта якка тартибдаги уй-жойни қуриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори, энг аввало, маҳаллий, қишлоқ хўжалиги ва бошқа хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли, рақобатдош ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларнинг янги замонавий турларини ишлаб чиқарувчи юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш юзасидан уларнинг шахсан жавобгар эканликларига қаратилди.

Бир қатор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига инфратузилмаларни, транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни, шунингдек, шу йил 30 июнь ва 1 июлда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишни ўз вақтида таъминлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳаллий товарларни сотишнинг янги хорижий бозорларини ўзлаштириш, шу асосда 2016 йилда, айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш прогноз параметрларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги пухта таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, жаҳон бозорларида конъюнктуранинг нобарқарорлигига ва ноқулайлигига қарамай, экспортни кўпайтириш резервларини максимал жалб этиш, экспорт қилувчи корхоналарни фаол рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг жадал суръатлар билан ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлади. Йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган қарийб 600 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳсулотларнинг 208 та янги турини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш таъминланмоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида хўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари олдига экспортни кўпайтиришнинг мавжуд резервларини сафарбар этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳамда "Ўзтадбиркорэкспорт" компанияси раҳбарларининг кичик бизнес субъектларини ва фермер хўжаликларини экспорт фаолиятига фаол жалб этишни таъминлаш, шунингдек, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси ва "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти раҳбарларининг энг аввало, якунига етаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида тузилган шартномалар асосида янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кенгайтиришни таъминлаш юзасидан шахсий масъулияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини тубдан қисқартириш, давлат активлари ва улушларини хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига хусусий мулкни жадал ривожлантириш ҳамда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳолати ва натижадорлигига алоҳида эътибор берилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида хусусий мулкка қарийб 267,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция мажбуриятлари қабул қилган ҳолда 305 та давлат активи сотилди. Ўтган даврда хорижий инвесторларга 30 та акциядорлик жамиятидаги улушлар сотилди. Устав фондларида давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2015 йилнинг шу давридаги 374 та ўрнига 202 тагача қисқарди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига камида 15 фоиз миқдорида салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш ва 2015 йил ноябрь ойидаги Халқаро инвестиция форумида тузилган меморандумлар доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ишларини фаоллаштириш топшириғи берилди.

Давлат рақобат қўмитасига манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар билан биргаликда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини жорий қилиш ва қўллашнинг, шунингдек, "ноль" қиймат бўйича сотилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишнинг ҳамда инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилишининг ҳолати юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлаш юкланди.

Мажлисда ғалла ўрим-йиғими якунлари танқидий таҳлил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт тармоқлари раҳбарларининг эътибори куч ва воситаларни ғўзани интенсив парваришлашга ва ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар комплексини таъминлашга йўналтирилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, давлатимиз раҳбари қарори асосида янгидан ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Миллий университетда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳамда Тошкент давлат техника университетида таълим жараёнини янада такомиллаштириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бунда олий таълим муассасасидаги таълимнинг илм-фан билан ўзаро мустаҳкам алоқасини илғор жаҳон тажрибаси асосида таъминлашга, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати ва даражасини тубдан оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали нишонлаш бўйича ташкилий-амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини сифатли амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини жорий қилиш ва қўллашнинг, шунингдек, "ноль" қиймат бўйича сотилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишнинг ҳамда инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилишининг ҳолати юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлаш юкланди.

Мажлисда







ЎзА олган суратлар

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ АЪЗОЛАРИ УЧУН СИНОВ

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичига жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Австрияда ўқув-машғулот йиғинида иштирок этмоқда.

Жорий йилнинг 21 июлига қадар давом этадиган йиғинда "Пахтакор", "Бунёдкор", "Локомотив", "Бухоро", "Нефтчи", "Насаф" жамоаларида фаолият юритаётган 22 нафар маҳаллий футболчилар иштирок этишмоқда. Бу сафар легионерлар машғулотларга жалб этилмаган. Дарвоқе, йиғин доирасида Германия бундес лигаси вакили — Дортмундниng "Боруссия", Россия премьер-лигаси иштирокчиси "Уфа" клубларига қарши миллий терма жамоамиз назорат-ўртоқлик учрашувларида майдонга тушади. Шунингдек, Германиянинг "Карлсруэ" клуби ҳамда миллий терма жамоамиз ўртасида ҳам ўртоқлик учрашуви ташкил этилади. Австриядаги ўқув-машғулот йиғини кунига икки маҳалдан уюштириляпти.

Шу ўринда эслатиш жоиз, 24 июль куни Тошкентда миллий терма жамоамиз Ироқ терма жамоасига қарши, 24 августда эса Яман терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувларида омадини синаб кўради. Ҳар икки ўйин "Бунёдкор" стадионида бўлиб ўтади.

Дилдора ХАСАНОВА

Италиянинг Латина шаҳрида бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАР ШОДАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

Россия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Испания, Франция каби дунёнинг етакчи жамоалари қатнашган ушбу турнирда вакилаларимиз ҳам анча муваффақиятли иштирок этишди.

Мусобақа давомида терма жамоамиз аъзолари бешта олтин, иккита кумуш ва бешта бронза медалларини қўлга киритишди. Жумладан, Лола Жўраева икки бор шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишга муваффақ бўлган бўлса, турнирнинг энг ёш иштирокчиси дея эътироф этилган Малика Тўрахўжаева, шунингдек, Мадина Рустамова ҳамда Илона Тенга ҳакамлар томонидан энг юқори балл берилди.

Олтин медаль учун курашда бир оз омади чопмаган Суғдиёна Жўраева термамиз ҳисобига иккита кумуш медални қўшиб қўйди.

ИККИНЧИ ДАВРАДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Хитойда ITF сериясига кирувчи мусобақада иштирок этаётган Нигина Абдураимова иккинчи даврадан ҳам муваффақиятли ўтишга эришди.

Бу босқичда унга хитойлик Ди Чжао рақиб бўлди. Ўйиннинг бошида хитойлик теннисчи анча фаол бўлди ва биринчи сетни 6:4 ҳисобида ўз ҳисобига ёзиб қўйди. Қолган сетларда ҳамюртимиз ўз ўйинини топа олди ва рақибасини ўзининг кучли зарбалари олдида ожиз қолдирди.

Иккинчи бўлим 6:2 ҳисобида якунланди. Ҳал қилувчи сетда ҳам Нигина 4:0 ҳисобида олдинда бораётганда рақибаси айрим сабабларга кўра учрашувни бошқа давом эттира олмаслигини маълум қилди. Чорак финалда вакиламизга яна бир мезбон спортчи — Фань Жинб рақиблик қилади.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Июнь ойи якунларига кўра пляж (соҳил) футболи бўйича терма жамоаларнинг янги рейтинги эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон терма жамоаси 57-ўринни банд этди. Май ойида терма жамоамиз 56-ўринга лойиқ кўрилган эди. қитъада эса терма жамоамиз 10-поғонада бормоқда.

Жаҳон рейтингини Россия терма жамоаси қарвонбоши сифатида бошқариб турибди. Кейинги ўринларни Португалия ҳамда Бразилия терма жамоалари эгаллашган.

Келгуси йили 1995 йил ва ундан кейин туғилган ёшлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионатига саралаш баҳслари бўлиб ўтади.

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ИРОҚЛИКЛАРГА ҚАРШИ

Чунки 2018 йилда 23 ёшли футболчилар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилади. Равшан Ҳайдаров бош мураббийлик қиладиган ёшлар терма жамоамиз 2018 йилда ўтадиган Осиё чемпионатига йўлланма олиши ҳамда қитъа биринчилигида бош соврин учун курашиши керак. Ана шунда ушбу ёш тоифасидаги олимпия терма жамоамиз Олимпиада ўйинлари йўлланмасига эга бўлиши мумкин.

Ана шу мақсадда 21 июль куни Тошкентда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳамда Ироқ ёшлар терма жамоаси ўртасида ўртоқлик баҳси ташкил этилади. Ушбу баҳс Равшан Ҳайдаров шогирдлари учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Тошкентда уч кунлик ўқув-машғулот йиғини уюштирган 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталаридан таркиб топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айни кунларда Сингапур мамлакатида бўлиб турибди.

БОШ СОВРИН УЧУН КУРАШИШАДИ

Гап шундаки, Баҳрайнда 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида уюштириладиган Осиё чемпионатида иштирок этадиган ёшлар терма жамоамиз нуфузли турнирда совриндор бўлишга аҳд қилган. Шу боис ҳам қитъа биринчилигига пухта тайёргарлик кўришни режалаштирган Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги ёшлар терма жамоамиз Сингапурда ўқув-машғулот йиғини уюштирди. Шунингдек, Сингапурда Эрон, Хитой, Сингапур ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари ўртасида халқаро мусобақа ўтказилади. Ушбу турнирнинг ярим финал босқичида Жасур Абдураимов шогирдлари эронлик тенгқурлари билан куч синашишади.

"ОБОД" ТАРКИБИ КУЧАЙДИ, АММО...

Олий лиганинг янги вакили пойтахтимизнинг "Обод" жамоаси иккинчи даврага пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Давралар оралиғида "Обод" таркиби Алишер Шоғуломов, Зокир Нурматов, Санжар Рихсибоев, Миржамол Қосимов сингари маҳоратли футболчилар билан тўлдирилди. Аммо, "Обод"да бош мураббий бўлиб фаолият бошлаган тажрибали мутахассис Александр Мочинов клубдан кетди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ХАЛҚАРО ҲАВАСКОР БОКСЧИЛАР УЮШМАСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA)нинг ижроия қўмитаси йиғилиши бўлди. Унда уюшма раҳбарлари, қатор давлатларнинг бокс федерациялари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси президенти Чинг-Куо Ву ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бунинг самарасида Ўзбекистоннинг спорт салоҳияти ҳамда нуфузи юксалиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган бокснинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳоратли боксчиларни тайёрлаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётир. Юртимизда бокс бўйича нуфузли спорт мусобақаларининг ташкил этилаётгани, ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларининг жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, юксак ғалабаларни қўлга киритаётгани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун қулай шарт-шароит янада такомиллаштирилмоқда.

Бунинг натижасида спортчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2014 йил боксчиларимиз халқаро майдондаги мусобақаларда 35 олтин, 33 кумуш ва 19 бронза, жами 87 медаль билан тақдирланган бўлса, 2015 йилги спорт мавсумида бу кўрсаткич 182 медални (61 олтин, 67 кумуш ва 54 бронза) ташкил этди.

Ўтган йили бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва катталар терма жамоалари аъзолари Тошкент ва Таиландда ташкил этилган Осиё чемпионатларида, Россия ва Қатарда ўтган жаҳон чемпионатларида улкан ғалабаларга эришиб, ўзбек бокс тарихида янги саҳифа очди. Жорий йилнинг апрель ойида бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилган Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақасида 5 олтин ва 2 кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Тошкент шаҳрида 2015-2016 йилги спорт мавсумида бокс бўйича WSB – Бутунжаҳон бокс серияси йўналиши ҳамда APB – яримпрофессионал боксчилар йўналишидаги турнирлар юқори савияда ташкил этилди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси ижроия қўмитаси мамлакатимизда боксни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, замонавий спорт инфратузилмаси, ҳар қандай нуфузли анжуманни юқори савияда ташкил этиш бўйича яратилган кенг имкониятлар ва тўпланган бой тажрибани ҳисобга олиб, навбатдаги йиғилишини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Ижроия қўмита йиғилишида 2015 йилда боксни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар, Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмасининг ташкилий ва молиявий, ҳакамлик, спорт тиббиёти ва спортчиларнинг мусобақалардаги иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

"101"

ЭҲТИЁТКОРЛИК ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича мунтазам учрашувлар ўтказиб турилади. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш ҳамда электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.

Юқоридагига ўхшаш қоидаларга риоя қилинса биз уйларимизни ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкини, қолаверса ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Болалар бизнинг келажагимиз, уларни асраб-авайлаб Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишларига биз жавобгармиз. Шундай экан, ҳар биримиз қаерда бўлсак ҳам улардан насиҳатимизни, ҳаёт учун керакли бўлган сабоқларимизни ҳеч қачон аямайлик. Нима учун ҳаётга талпинаётган мурғак бир гўдак, бизнинг лоқайдлигимиз оқибатида оташ қурбони бўлиши керак? Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулкдан ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғиндир.

Олов ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар куни содир этилаётган ёнғинлар эса неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб қолмоқда. Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам оловдан тўғри фойдаланишни билмайди. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлиғини, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонларни, хонадон эгаларини, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

Ф.АРИПБОЕВ,
12-ХЁХО 24-ҲЁХҚ катта инспектори, сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол есади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 июлда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4294
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.40
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ